Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Халқ шоири

# ОДАМ ДЕГАН СЎЗГА ЖОН ИПИ ПАЙВАНД

## Оддий ҳақиқат

Боболар уқдирмиш неча замонлар,
Ажалнинг олдида жонимиз бир деб.
Ногоҳ дуч келишса ҳатто ҳайвонлар,
Бир-бирин танирмиш, қонимиз бир деб.

Инсон фазоларга чиқса ҳам гарчанд,
Заминга боғлиқдир умри, ҳаёти.
Одам деган сўзга жон ипи пайванд,
Ҳар хил бўлса ҳамки рутбаси, оти.

Биримиз оқдирмиз, биримиз қора,
Биримиз буғдойранг, шундоқмиз, хуллас.
Тароқ тишларидек тенгмиз ва сара,
Бир хилдир ҳамиша орзу ва ҳавас.

Битта деб сипқордим, тақдир, жомингни,
Битта олов бўлиб таралгай оҳим.
Ягона бўлсанг-да, турфа номингни
Барчага тарқатиб бердинг, Аллоҳим.

Бахт бир хил қувнатар, бир хил эзар ғам,
Бир хил туғилгаймиз, бир хил ўлгаймиз.
Йиғласак бир хилдир кўз ёшимиз ҳам,
Кулсак устимиздан асли кулгаймиз.

*04.10.2009 й.*

## Ўтинч

*Рафиқамга*

Ўтган фурсатларни бўлмайди тутиб,
Ўтган ўтди энди — буни билгайман.
Ва лекин гоҳида дардимни ютиб,
Тазарру қилгайман, тавба қилгайман.

Билмасмиз яхшилик келгайдир қачон,
Билмасмиз муддатин ёмонликнинг ҳам.
Кимнингдир омади чопса ногаҳон,
Кимнидир пойлайди ташвиш билан ғам.

Қай замон бир тўда зотлар бешафқат,
Гуноҳсиз Инсоннинг суғурди жонин.
Имконим бўлса-да этмадим журъат,
Мен ўша шўрликнинг олмадим ёнин.

Мудом хуш кўргаймиз лутфу хандани,
Бироқ, бир ҳолатга гувоҳ бўлганман:
Масхара қилишса ожиз бандани,
Даврага қўшилиб, мен ҳам кулганман.

Кимнингдир дардидан бўлмадим огоҳ,
Комил этолмади бирорта мактаб.
Бир шоир дўстимнинг олдида ногоҳ,
Бошқа бир шоирни қўйганман мақтаб.

Ўтган кунларимга ташлайман назар,
Ҳар нечук, биз уни яшаб ўтганмиз.
Тақдир бошимиздан сочмаса ҳам зар,
Жоним, шу кунларни интиқ кутганмиз.

Узоқ сафарларга сенсиз йўл олсам,
Мени койимадинг, кўнглим тўқ эди.
Қайдадир тентираб, агар кеч қолсам,
Мен ўйлаб топмаган сабаб йўқ эди.

Кечалар термулиб ойга, юлдузга,
Қоп-қоп ваъдаларнинг тошини тердим.
Йўқчилик азобин илмадим кўзга,
Бахтлиман, дедим-у, кўксимни кердим.

Бу кун шеър битурман шукрона айтиб,
Дардкаш қаламимни қўлимдан қўймай.
Билурман, ёшлигим келмайди қайтиб,
Ҳануз дийдорингга боқурман тўймай.

Аллоҳ тўзим берсин бардош, сабрингга,
Баъзан ўкинч билан бағрим тилгайман.
Айтгил, етолдимми Сенинг қадрингга,
Тазарру қилгайман, тавба қилгайман.

*25.09.2009 й.*

## Глобаллашув

Олимлар бир куни тарқатди эълон:
— Тинчгина ухлайвер уйингда, инсон.

Ҳали Ой узилиб ерга тушмаган,
Уммонлар тошмаган, тоғлар кўчмаган.

Нимани истасанг бажо бўлажак,
Сени кутаётир ойдин келажак.

Лекин билишмасди, аҳвол дабдала,
Уйқу бермас эди оддий қандала.

*01.10.2009 й.*



*Мусаввир Содиқ Раҳмоновнинг «Мўътабар оила» асари.*

## Эски дўст

Кимдандир қўл узиш мумкиндир, бироқ
Кўнгил узиб бўлмас эски дўстлардан.
Улар баланд турган, баландлир ҳар чоқ
Турфа ҳашамлардан, каму кўстлардан.

Улар қаторида ўйнагил, кулгил,
Сендек нафас олар йўқсил ҳам, бой ҳам.
Эски дўстларингдан узмагил кўнгил,
Эски дўстларингдир Қуёш ҳам, Ой ҳам.

*22.09.2009 й.*

Малика ҒУЛОМОВА

# Бир гул кўрдим самовий

*Шоир кўзи билан қаранг дунёга,*
*Заминдан кўккача синчиклаб боқинг.*
*Ҳар битта гиёҳдан юлдузгача то —*
*Аллоҳнинг ишига тасанно ўқинг!*

*Интизор кўнгилдан вафолар изланг,*
*Ошиқ булбуллардан тинглангиз наво.*
*Чумоли ғайрати, тоғлар бардоши*
*Шаклида неларни уқтирар дунё?*

*Бунча нафис кулар оппоқ атиргул,*
*Иборин сочаркан шундай беминнат.*
*Офтобнинг бир қатим шуъласи асли*
*Товланиб тургувчи тиллодан қиммат.*

*Чунки тирикликнинг боисидир у,*
*Зулматлар қаърини ёритган зарби.*
*Шоир кўзи билан қаранг дунёга,*
*Ишқ сирин сезади шоирлар қалби.*



## МУҲАББАТ

*Муҳаббат Аллоҳдан берилган туйғу —*
*Ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги рост.*
*Йиллар ўтаверар, муҳаббат боқий,*
*Дарду ташвишлардан айлайди халос.*

*Бедор оқшомларда дилга тасалли,*
*Соғинч-ла яшамоқ — муқаддас амал.*
*Муҳаббат туйғуси яралмаганда*
*Дунё бўлмас эди бунча мукаммал.*

*Муҳаббат дардларнинг малҳами экан,*
*Унга талпинайлик ҳар кун, ҳар нафас.*
*Муҳаббат бор бўлса тор гўша кенгдир,*
*Муҳаббат йўқ бўлса кенг дунё — қафас.*

## КЎНГИЛ ИСТАГИ

*Кўнгил недан таскин топади,*
*Недан пайдо товушсиз фарёд?*
*Тоғ бошидан жилғадек тушиб,*
*Тўлқинланар не учун дарё?*

*Нега нола қилади булбул,*
*Гул ишқида ёниб ва ёниб?*
*Қандай куч у, бизга сездирмай*
*Бир ларзага солар дунёни?*

*Мен билмадим бунинг асрорин,*
*Билдим фақат: ишқдир пойидор.*
*Муҳаббатсиз ҳеч не татимас,*
*Муҳаббатсиз яшамоқ — бекор.*

## ҲАЙРАТ

*Умрим боғин оралаб,*
*Бир тикансиз гул кўрдим.*
*Куйдирганни — лаҳжа чўғ,*
*Куйганни — булбул кўрдим.*

*Ёмғир суви кўз ёшми,*
*Кўкнинг ерга изҳори.*
*Ошиқлик дунёсида*
*Бор эканми қарори?*

*Қарори бўлса агар*
*Нечун ошкор этмас у?*
*Майсаларнинг иборин*
*Кўкка олиб кетмас у.*

*Изҳорга тиллар ожиз,*
*Ишқнинг ўзи-ку тилсим.*
*Энди сенинг дилингни*
*Севги оташи тилсин.*

*Тоғдан оққан шаршара*
*Нени кўзлаган экан?*
*Бир гул кўрдим самовий,*
*Йўқ эди унда тикан.*

# ИККИ ХАЛҚ АДИБИ

Тадқиқот, ахборот

Узоқ тарихга эга бўлган шаҳарлар ёш шаҳарлардан шу жиҳати билан тафовут қиладики, бу шаҳарларда яшаган миллат ва элатлар бир эмас, бир неча миллий маданиятлардан озиқ олиб яшайдилар. Шундай шаҳарларда туғилган қалам аҳли ҳам икки тилли шоир ва ёзувчи бўлиб улғаяди. Самарқанд бу дунёи азимдаги кўҳна шаҳарлардан бири сифатида ўзбек ёки тожик тилида ижод қилган, ўзида ҳар икки халқнинг миллий маданиятини мужассамлантирган кўплаб ижодкорларнинг бешиги бўлган.

Шу кунларда туғилган кунининг 140 йиллиги нишонланган Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода (1869-1948) икки тилда ижод қилган, икки халқнинг миллий маданияти бешигида улғайган ва икки халқнинг мураккаб тарихий даврдаги ҳаётини тасвирлаган сиймолардан биридир.

Сирасини айтганда, биз адабиётшунослар яқин-яқингача Самарқандда шундай адибнинг яшаб ижод қилганини билмай келар эдик. Агар 90-йилларнинг ўрталарида Мирзо Қўқонбой яшаган уйда таъмирлаш ишлари олиб борилмаганида, узоқ йиллардан бери чанг босиб ётган жомадон ва унинг ичидаги 200 дона дафтар топилмаган, бинобарин, самарқандлик Айнийи Соний кашф этилмаган бўларди. 12-24 варақли бу дафтарларга шу вақтгача номаълум бўлиб келган адибнинг икки романи, бир неча қисса, ҳикоя, хотира ва қайдлари битилган эди. Бу асарлар муаллифи гарчанд ўзбек, форс-тожик, араб ва рус тилларидан ташқари, қатор туркий тилларни пухта билган, ўз даврининг энг маърифатли ва билимдон кишиларидан бири бўлишига қарамай, азбаройи камтарлиги туфайли 68 ёшга борган чоғидагина қўлига қалам олиб, илк романини ёзишга киришган экан. Агар Мирзо Қўқонбой роман, қисса ва ҳикояларида тасвирланган оламшумул воқеаларни ўз кўзи билан кўрмаган ва уларни келгуси авлодларга ёзиб қолдириш зарурлигини ҳис этмаганида, эҳтимолки, қўлига адиблик қаламини олмаган бўларди. Зеро, у ўзини Абдулла Қодирий ёки Садриддин Айний сингари ёзувчилар билан баҳслаша олувчи қаламкаш, деб ҳисобламаган.



**Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода. П.Беньков ишлаган портретдан кўчирма.**

Мирзо Қўқонбойнинг ҳаёт йўли бошқа замондошларидан бир мунча жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу фарқ шундан иборатки, 19 ёшигача мадраса таълимини олган, кейин рус-тузем мактабини тугатган Мирзо Қўқонбой 1893 йилдан 1918 йилнинг 1 январига қадар чор ҳокимиятининг суд ва маъмурий муассасаларида таржимон ва котиб бўлиб ишлаган. “Бу вазифаларда ишлаш жараёнида, — деб ёзган эди марҳум академик Ботирхон Валихўжаев, — Қўқонбой ҳаётни, одамлар турмушини, генерал-губернаторликдаги қинғирликларни, маҳаллий халқ манфаатларига қарши бўлган сиёсатни ва шунга доир махфий ҳужжатларни билиб олди. Қўқонбойнинг кўзи очила борди, онги ва шуурида ҳам ўзгаришлар рўй берди”.

Мирзо Қўқонбойдан каттагина адабий мерос қолган. Бу мерос орасида ушбу сатрлар муаллифининг илк бор танишгани “Жиззах қўзғолони” хотира-эссесидир. Қўзғолончилар устидан бўлиб ўтган суд жараёнида котиб ва таржимон сифатида қатнашган Мирзо Қўқонбой чор мустамлакачилиги даврида нафақат 1916 йили Жиззахда, балки ундан аввал Андижон ва бошқа жойларда бўлиб ўтган қўзғолонларнинг келиб чиқиш сабаблари ва фожиали оқибатларини сиёсий-ижтимоий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиб беради. Мазкур қўзғолоннинг 20 йиллиги муносабати билан ёзилган, янги-янги илмий кузатиш, маълумот ва таҳлилларга бой мазкур асар чор ҳокимияти мустамлакачилик сиёсатининг асл моҳиятини очиб ташловчи даврнинг такрорланмас ноёб ҳужжатидир.

Маълумки, XIX аср охири — XX аср бошларидаги Туркистон халқлари ҳаёти нафақат ижтимоий ва иқтисодий, балки маданий ва маиший жиҳатдан ҳам ачинарли ҳолатда бўлган. Хусусан, санитария ва гигиена масалаларига эътиборсизлик орқасида аҳоли ўртасида турли касалликлар тарқалган. Жадид ёзувчилари, хусусан, Фитрат “Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи баёноти” публицистик асарларида миллий қолоқликнинг даҳшатли кўринишларидан бири бўлган бу муҳим масалага жамият эътиборини қаратганлар. Мирзо Қўқонбой жадид биродарларидан фарқли ўлароқ, миллатнинг соғлиқ ва саломатлиги билан боғлиқ бу муаммони бартараф этиш йўлларини ахтарди. У XIX аср охирларида Туркистон генерал-губернаторлигига илмий сафар билан келган рус шифокори П.В.Шчусев билан танишиб, унинг шу сафар чоғида ёзган “Русия духтурининг, яъни табибининг мусулмонларга ранжу касал бўлмасиндан соғ-саломат бўлмоқлари насиҳати” рисоласини таржима қилади ва бу рисолани 1899 йили Санкт-Петербургда нашр этишга эришади.

Рисола таржимоннинг қуйидаги сўзлари билан бошланган: “Эй мусулмонлар, ишонинглар, ҳар нимаким ушбу насиҳатномада ёзилғондур сизларнинг нафларингиз учундур. Агарда ушбу тубанда ёзилғон насиҳатларни қулоғингизга олуб, унга амал қилсангизлар, албатта, ўрталарингизда касал илон ўлум кам бўладур. Сизларнинг эсончиликларингизни хоҳлагувчи олим Урусиё дўхтури Шусев ушбуни ёзди”. Таржимоннинг шу сўзларидан кейин рус шифокорининг Бухоро ва Жиззах вилоятларида кенг тарқалган касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари баён этилган ва бундай касалликларга чалинмаслик учун мусулмонларга маслаҳатлари берилган эди.

Мирзо Қўқонбой Фитратнинг юқорида тилга олинган асарларидан 10-12 йил аввал ушбу рисолани ўзбек ва тожик тилларида нашр этиш билан Туркистон жадидлари фаолиятидаги кемтик жойни тўлдиришга эришди.

Мирзо Қўқонбой 1918 йилдан 1925 йилга қадар бўлган даврда ҳам адлия муассасаларида хизмат қилишда давом этди. Айни пайтда бир неча дарсликларни ўзбек тилига таржима қилди. Агар бу таржималарнинг аксари табиий фанларга оид дарслик ва ўқув қўлланмалари бўлганини назарда тутсак, Мирзо Қўқонбойнинг шу даврда ёш авлоднинг замонавий илм-фан асосларини эгаллашига катта ҳисса қўшгани маълум бўлади ва жадидона хизматлари равшанлик касб этади.

1927 йили рўй берган бир воқеа Мирзо Қўқонбой ҳаётида чуқур из қолдирди. Ўша йилнинг ёз кунларидан бирида улкан маърифатпарвар Мунаввар қори Абдурашидхонов Самарқандга ташриф буюради. Мирзо Қўқонбой шу воқеа муносабати билан тошкентлик биродари шарафига зиёфат беради. Зиёфат чоғида бир-икки самарқандлик ижодкорлар билан бирга Чўлпон ҳам ҳозир бўлади.

Шу йили Москвадаги ўзбек драма студиясини тугатиб келган ёш санъаткорлар Самарқандда очилган ўзбек давлат театрида хизмат қилаётган эдилар. Улар орасида мазкур театрнинг адабий эмакдоши Чўлпон ҳам бор эди. Ўша кезларда шоирнинг ётар жойи бўлмаганлиги сабабли Мирзо Қўқонбой унга ҳамсоя бўлиб яшашни таклиф этади. Чамаси, Чўлпон у билан бир хонадонда яшаган кунларда унинг кўрган-кечирганлари билан танишиб, узундан-узоқ ва бир-биридан ғаройиб ҳикояларини тинглаб, ундан шу тарихий воқеаларни қоғозга тушириш ва келгуси авлодлар учун ёзиб қолдириш лозимлигини айтган.

Мирзо Қўқонбой шундан кейин ўзи шоҳид бўлган тарихий давр воқеаларини хаёлида қайта жонлантириб, уларнинг айримларини кичик ҳаётий лавҳалар ва қайдлар тарзида қоғозга тушира бошлади. Айни пайтда А.Қодирий ва С.Айний сингари замондошларининг яқин ўтмиш тўғрисидаги асарларини ўқиб, улардан сабоқ олишга, XX аср бошларида содир бўлган оламшумул воқеаларни тасвирлаш малакасини эгаллашга интилади.

Мирзо Қўқонбой 1936-1937 йилларда “Жиззах қўзғолони” хотира-эссесидан ташқари, “Истаджон” ва ”Қамчисидан қон томади” қиссаларини ёзиб тугатгач, 1937 йил 10 августда дастлабки йирик эпик асари — “Тоғ қизи” романини ёзишга киришади.

Ушбу асарнинг майдонга келиш тарихи хусусида муаллиф бундай сўзларни ёзган: “Маълумки, Туркистоннинг чоризм ҳукумати таркибидаги ярим асрлик идора тартиби фожиадан иборат бўлди. Бир қанча сабабларга кўра, бу давр тарихини матбуотда ёритиб бўлмасди. Сабаблардан бири шуки, маҳаллийлардан ёзадиган кишилар йўқ эди... Иккинчи сабаб шундан иборатки, биров ёзишга журъат этса, сензур йўл бермасди; учинчи сабаб эса бизга фожиа бўлиб кўринаётган ўша воқеалар ўша пайтларда оддий бир ҳол эди”.

Шу сўзлар ёзилган 1937 йилдан кейин чор мустамлакачилиги давридаги Туркистон халқлари ҳаёти тўғрисида кўплаб роман ва қиссалар яратилди. Бинобарин, 1940 йил декабрида ёзиб тугалланган, аммо орадан қарийб етмиш йил ўтгач нашр этилган “Тоғ қизи” романида тасвирланган аксар воқеалар ва қаҳрамонлар типи бугунги китобхон учун балки янгилик эмасдир. Шунга қарамай, “Тоғ қизи” романини ўқиган китобхон мазкур асар орқали ота-боболарининг мустамлакачилик йилларидаги чиркин ҳаёт асосларини парчалаб, қанчадан-қанча қонлар ва жонлар эвазига ҳозирги дориломон кунларга етиб келганларини яна бир бор, бу сафар Мирзо Қўқонбойнинг кўзи билан кўради, унинг сўзи билан эшитади. Адиб яқин кечмиш воқеаларини тарихий давр контекстида шундай бадиий ёрқин ва ишонарли талқин этганки, биз унинг кўзи рассом кўзидек ўткир, тили эса ҳақиқий адиб тилидек бой ва рангин бўлганини кўриб ҳайратга тушамиз.

Романда тасвир этилган давр 1914 йилдан 1917 йил феврал ва октябр воқеалари ҳамда шўро ҳокимиятининг дастлабки йилларини ўз қамровига олган. Адиб мамлакатимиз ва халқимиз тарихининг бу ўта мураккаб ва фожиали даврини Самарқанд атрофидаги қишлоқларда истиқомат қилган кишилар ҳаёти мисолида гавдалантириб берган. Бинобарин, бу асар А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар”, С.Айнийнинг “Дохунда”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романларидан фарқли ўлароқ, ҳали ўзбек адабиётида ўз аксини топмаган янги жуғрофий ҳудуд аҳлининг машаққатли ҳаётини тасвир этишга бағишланган. Муаллиф асарда икки авлод вакиллари образини яратиш орқали мустамлакачилик ва феодал бедодлик даврининг, адиб ибораси билан айтсак, “ваҳшатангиз” манзараларини бадиий мужассамлантирган.

Роман воқеаларида Офаринкент қишлоғи жиловини темир қўллари билан ушлаб турган Ашурқул оқсоқол ва унинг макр-ҳийлаларидан адои тамом бўлган мунис ва муниса кишилар ҳаракат қиладилар. Ашурқул зарур пайтда ўзини уларга оталик қилаётган, меҳрибонлик кўрсатаётган киши қилиб кўрсатади. Аммо ўргимчак янглиғ ўраб олиб, уларнинг қонини сўради ва уларни шундай усталик билан кафангадо этадики, худди шу нуқтада у зулмга асосланган тузумнинг даҳшатли тимсолига айланади.

Отаси Ниёз бобо вафотидан кейин етим қолган Қурбон, дастлаб онаси, сўнг отаси вафотидан сўнг ғарибона ҳаёти Қурбон билан кечаётган Моҳзода Парвардигор олдида қандай гуноҳ қилибдиларки, адиб ибораси билан айтсак, “ғаддор фалак аларнинг бошига бир бало тайёрлаган эди”. Бу бало уларга “оталик қилаётган” Ашурқул оқсоқол ва унинг ҳамтовоқлари бўлиб, ёзувчи шу разил кимсалар образини ҳам, Қурбон билан Моҳзода ва унинг отаси Жума образларини ҳам ёрқин бўёқлар билан тасвирлаган.

Бу асарни ўқиган китобхон адибнинг нафақат қаҳрамонлар портрети ва табиат манзараларини тасвирлаш, балки тарихий давр ҳаётини икки қутбдаги қаҳрамонлар тақдири орқали бадиий мужассамлантириш, улар руҳий кечинмаларини очиш ва ички монологларини ифодалаш санъатига, муаллифга хос аналитик тафаккур жилваларига қойил қолади. Романнинг бу ва бошқа фазилатлари Мирзо Қўқонбойнинг икки тилда ижод қилган тарихнавис адиб С.Айний билан бир қаторда турувчи ижодкор бўлганидан далолат беради.

Афсуски, адибнинг самарқандлик машҳур халқ қаҳрамони — Намоз ўғрига бағишланган сўнгги романи ҳозирча тўла ҳолда топилиб, нашр этилганича йўқ. Аммо ўйлаймизки, “Тоғ қизи” романини ёзиш жараёнида бадиий ижод довонларини забт этган адиб бу асари билан ҳам адабиётимизнинг бадиий уфқларини маълум даражада кенгайтиришга эришган бўлиши мумкин.

Эҳтимол, ёш жиҳатидан М.Беҳбудий ва Фитрат билан авлоддош, аммо асосий асарлари 30-йилларда яратилган Мирзо Қўқонбойни миллий уйғониш даври адабиётининг намояндаси сифатида текшириш тўғри бўлмас. Биз бу ўзига хос ижодкор асарларига 30-йиллар адабиётининг мулки сифатида ёндашганимизда ҳам улар қон томирида жадидона зарралар мавжудлигини сезамиз. Бизнингча, муҳими Мирзо Қўқонбой ижодини икки халқ адабиётининг қайси даврига киритиш масаласи эмас, балки таваллудининг 140 йиллигида ёзувчи сифатида кашф этилиши ва асарларининг нашр этилиб, китобхонлар қўлига етиб боришидадир. Ўйлаймизки, Мирзо Қўқонбой Абдухолиқзода ижоди XX аср ўзбек ва тожик адабиётлари тарихидан муносиб ўрин эгаллайди.

**Наим КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори**

## КЎҲНА РИВОЯТ

Бир воқеа эсимга тушар,
Тинчлик бермас кўнглимга тағин.
Устозларга дил меҳрим ошар,
Ҳар гал байрам келганда яқин.

Бир муаллим — меҳрибон устоз
Ўтган экан қадим замонда.
Дарс бераркан дилда чин ихлос,
Қай бир олис овул томонда.

Болалардан олибди иншо,
Иншо эмас, юрак риштасин.
Ўн беш нафар боладан, аммо,
Дафтарин бермабди бештаси.

Устоз қайтар уйга кечки пайт,
Фалокатни билибди қайдан?
Эмасмиди аёз, чилла вақт,
Бўриларга дуч кепти йўлда.

Даҳшат ичра устоз бечора,
Тополмасдан ҳеч бир имконни.
Йиртқичларга қилиб ишора,
Ёқа бошлар бир-бир иншони.

Аммо дафтар тугаб қолибди —
Бу томони сизларга маълум.
Юлдуз, ойлар гувоҳ бўлибди,
Дунёни тарк этар муаллим.

Эртаси кун кичик овулга
Эшитганлар оқиб келганмиш.
Муаллимнинг мўъжаз ҳовлиси
Шогирдлари билан тўлганмиш.

Акмал САЙЙИД



Ўн беш бола, ўн беш мурғак жон,
Видолашар устози билан.
Аммо дафтар тутган беш ўғлон
Ҳаммадан кўп дод-фарёд қилар.

Сўрадилар улардан бир-бир:
— Нега бунча оҳ чекасиз, оҳ!
Жигарингиз бўлмаса, ахир,
Сабаби не, этингиз огоҳ?

Бири деди: «Тақдир экан-да,
Гуноҳкормиз, бунинг йўқ чеки.
Иншомизни биз ҳам берганда,
Устоз омон қоларди балки!

Чархи дунда бесамар бўлдик,
Устоз учун жавобгармиз биз.

Эрта хазон очилмай сўлдик,
Дўст ичида гуноҳкормиз биз».

Шунинг учун устозларга мен
Умрим бўйи этаман таъзим.
Жоним фидо ҳар бири учун,
Улар ўлмас қоядир азим.

Сен — гўзал шеър ҳеч битилмаган,
Сен — осмоним, мукаррам, мушфиқ.
Сен — ўланим ҳеч айтилмаган,
Мангуликка дахлдор қўшиқ.

Бу эҳтимол ривоят, аммо
Устоз ота каби улуғдир.
Кўкда моҳинг, маёғинг гўё,
Умринг йўли шундан ёруғдир!

## РУҲИЯТ МАНЗАРАСИ

Тун чодирин тортар эриниб
Қўрғошин булутлар карвони.
Тўлин ой кўринмас беркиниб,
Осилган камалак-айвони.

Қаттиқ чапак чалиб юборар
Мудраган тарновлар беҳосдан.
Қайинзор шовуллар, ёлворар,
Садрлар урар бир овоздан.

Мен эса деразам ёпаман,
Руҳим-ку шайланган парвозга.
Қўлимда шам — уни ёқаман,
Мисралар қуйилар қоғозга.

Қутлаймиз!

# НУКТАСАНЖ ОЛИМА

Шарқу Ғарб адабиёти ва маданияти тадқиқотчиси Фозила Сулаймонова 1919 йили Марғилонда зиёли оилада дунёга келди. Бўлажак олима ўрта мактаб хатмидан сўнг, 1937-1941 йиллар давомида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил кўрди. Ўз педагогик фаолиятини ТошДУда (ҳозирги ЎзМУ)да бошлаган Фозила Сулаймонова кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Қўлёзмалар институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. У 1998 йилдан ҳозиргача Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат адабиёт музейида етакчи илмий ходим сифатида тадқиқот олиб бормоқда ва ёш илмий ходимларга раҳбарлик қилмоқда.

Дастлабки илмий фаолиятини Ғарб адабиёти тарихини тадқиқ этиш билан бошлаган олима ўтган асрнинг 60-йиллари «Стендалнинг «Люсйен Левен»и", «Шекспир Ўзбекистонда» монографияларини ёзди. Илк китобида Стендалнинг ижодий биографияси ёритилади, санъаткорлик маҳорати таҳлил қилинади. Иккинчи асарда эса, ўзбек китобхонини Шекспир ижодий лабораториясига олиб кириб, унинг даҳолик сеҳри билан ошно этган. Хусусан, муаллифнинг Шекспир асарларининг Ўзбекистонга кириб келиш тарихи, уларнинг ранг-баранг таржималари хусусидаги фикрлари, саҳна талқинлари ҳақидаги мулоҳазалари анча жиддийдир.

Кейинги 30-40 йил давомида Ф.Сулаймонова Шарқ ва Ғарб адабиётлари, илм-фани ҳамда тамаддунининг ўзаро алоқалари, бир-бирига таъсири, Европа маданияти шаклланишида Шарқнинг таъсирини ўрганиб келмоқда. Мана шу ният йўлида у Шарқу Ғарб мамлакатларини кезиб чиқди, кўплаб қўлёзмаларни кўздан кечирди, халқаро анжуманларда маърузалари билан иштирок этди; француз, инглиз, рус ва бошқа тилларда мақолалар эълон қилди. Кўп йиллик заҳматлари натижаси сифатида «Шарқ ва Ғарб», «Шарқ маданияти ва Данте», «Восток и Запад» китоблари юзага келди.

Шўролар давридаги шарқшунослик ҳамда адабиётшуносликда, асосан, Ғарб тамаддунининг Шарқ халқлари илм-фани, адабиёти ҳамда маданиятига таъсири ҳақида фикр юритар эдилар. Фозила Сулаймонова «Шарқ ва Ғарб» монографиясида фандаги ана шу нохолисликни дастхат манбалар, дунё археологлари қўлга киритган ашёвий далиллар асосида, икки минтақа ха-



лқлари мифологиясидаги муштараклиқлари қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосидаги илмий хулосалар воситасида рад этди: Ал-Хоразмий, Форобий, ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Синонинг Европа илм-фани инкишофидаги ўрнини аниқ далиллар билан кўрсатиб берди. Бугина эмас, монографияда Зардушт фалсафасининг дунё фалсафий қарашларига таъсири, «Авесто»да зикр қилинган Митра, Ардвисура, Анахитанинг юнон асотирларидаги сайри, Марказий Осиё халқлари вакилларининг эллинизм маданияти тараққиётига қўшган ҳиссаси рад этиб бўлмайдиган далиллар асосида илмий нуқтаи назардан исботланган.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошида Ҳамид Сулаймон раҳбарлигида бир гуруҳ олимларимиз Навоийнинг тўла асарлари нашрини яратишга киришдилар. Ана шу жараёнда Фозила Сулаймонова ҳам матншунос сифатида фаол иштирок этди: Париж, Лондон, Ленинград шаҳарларидан қадимий қўлёзмаларнинг, Навоий дастхатларининг нодир нусхаларининг фотоакслари келтирилди. Уларни ўқиш, қиёсий таҳлил этиб, аслига яқинроқ нусхаларини тиклашда Фозила Сулаймонова заҳмат чекди. Натижада у кишининг иштирокида ўзбек фанида номаълум шоир Ҳофиз Хоразмийнинг икки китобдан иборат девони, Навоий тўла асарлари тўпламининг 3-,4-,5- ва 6-жилдлари чоп этилди.

Шарқда шеърият билан бир палладa тасвирий санъат ҳам, айниқса, унинг миниатюра жанри тараққий эта бошлаган. Кейинги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, миниатюра Рудакий замонларидаёқ пайдо бўлиб, X-XII асрларда узил-кесил шаклланган. XIV-XVI асрларга келиб эса, бунинг ёнига портрет жанри — нимтана тасвири ҳам қўшилган. Жомийнинг «Саломон ва Ибсол» достонига чизилган икки юздан зиёдроқ турли табақа вакиллари портретлари, Дорошукуҳ томонидан чизилган 14 темурийзода портрети фикримизни тасдиқлайди. Ҳамид Сулаймонов етакчилигидаги экспедиция қўлга киритган манбалар таркибида юзлаб миниатюралар ҳам мавжуд эди. Фозила опа матнларни ўрганиш жараёнида ана шу санъат мўъжизаларига маҳлиё бўлиб қолди. Энди у нозикбин санъатшунос сифатида Ҳирот, Табриз, Самарқанд, Бухоро ва ҳинд тасвирий санъат мактабаларини ўрганиб чиқди, Беҳзод, Нодирмуҳаммад Самарқандий, Муҳаммадмурод Самарқандий мероси билан танишди. Унинг қалбида буюк шоирлар асарларига чизилган миниатюраларни жамлаб, уларни нашр этиш туйғуси пайдо бўлди. Ана шу илмий ният ҳосиласи ўларок «Навоий асарларига ишланган расмлар», «Амир Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган расмлар», «Низомий «Хамса»сига ишланган расмлар» сингари мараққаъ — албомлар нашр этилди. Бу дунё тан олган ва бутун жаҳонга тарқалган фундаментал асарлар, уларга битилган сўзбоши ва шарҳлар олиманинг миниатюра санъатининг билимдони эканлигини тасдиқлаб турибди. Зероки, олима дастхатлардан сайлаб олган ҳар бир миниатюрани сюжет, композиция, ранглар таносиби, достон мазмунини нечоғли ўзида ифода этгани, ғояси, бадиий қудрати томонидан синчковлик билан таҳлил қилиб, муайян илмий-назарий хулосаларга келган. Демак, Фозила Сулаймонова Шарқ ва Ғарб маданиятларининг, қиёсий адабиётшунослик, таржимашунослик, манбашунослик, матншуносликнинг билимдони сифатида фанимизни бойитиб келмоқда. Унинг кўплаб мақолалари хорижий тилларда ҳам чоп этилган.

Фозила Сулаймонова ёшларнинг ғамхўри ва меҳрибон устози ҳамдир. Унинг бевосита раҳнамолигида ўнга яқин ёш номзодлик ва докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Унинг фидойи меҳнати давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Соғлом авлод учун» (1994), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари ҳамда Франциянинг «Академия палмаси» (1994) ордени билан мукофотланган.

Биз фанимизнинг жонфидо тадқиқотчиси, жаҳон тамаддунининг барча жабҳаларини таҳлил этишда ёш тадқиқотчиларга ибрат бўлган Фозила опага Яратгандан саодатмандлигу соғлик тилаймиз.

**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ,**
**профессор**

# ЎТГАН ҲАФТА...




...ўзбек футболида омадсиз кунлар бўлди, дейиш мумкин. "Бунёдкор" ва "Нефтчи" жамоалари, худди келишиб олгандек, бир гол фарқи билан аламли мағлубиятга учраган бўлса, "Пахтакор" барча футболсеварларни қаттиқ ранжитди. Жаҳон чемпионатида иштирок этган ёшлар терма жамоамиз эса, фақат Англия термасини шармандаликдан қутқариш билан кифояланди.

Мутахассислар хафа бўлишмасину, лекин юртимиз футболини жиддий ислоҳ қилиш keракка ўхшайди. Ўзбекистон терма жамоасининг 1994-йилги Осиё чемпионатидан ташқари, бошқа бир йирик ғалабасини эслай оламизми? Клубларимизнинг-чи? Тўғри, яқинда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида муносиб иштирок этган ёшларимиз мухлисларда аввалига умид уйғотишганди. Лекин жаҳон чемпионати барча умидларимизни чиппакка чиқарди. Футболчиларимиз жаҳон майдонларида тенгма-тенг беллашишлари учун ҳали кўп тер тўкишлари кераклиги аён бўлди.

Шу ўринда бир мулоҳаза туғилади: нега боксчиларимиз, курашчиларимиз жаҳон миқёсидаги рақибларига бас келиб, улар билан тенгма-тенг беллашадилару, футболчиларимиздан нуқул "омад юз ўгиради?". Назаримизда, ҳамма гап ўйинчиларимизда. Рингга кўтарилган боксчи, гиламга чиққан курашчи ўз ишининг устаси бўлиши шарт. Чунки у якка ҳаракат қилади ва барча масъулият унинг ўзига тушади. Қаршисида турган рақибидан кучли бўлмаса, мағлубиятга учраши аниқ, ва бунга фақат унинг ўзи айбдор бўлади. Футболда эса, сал бошқачароқ. Майдонда ўн бир киши ҳаракатланади, ва кўпинча масъулият дарвозабонга тушади. Демак, дарвозасини қўриқлаётган ўйинчи маҳоратли бўлиши шарт. Майдонда тўп сураётган ўн футболчи эса, югуриб турса бўлди. Жаҳон чемпионатида иштирок этган ёшларимиз термасини мана шу жараёнга қиёсласак бўлади. Агар Санжар Қувватов ўз дарвозасини муносиб қўриқламаганида Гана ҳамда Уругвай термаси йирик ҳисобни қайд этишлари аниқ эди.



Тажрибали мураббий Луиз Фелипе Сколари "Бунёдкор"га келгач ҳеч ким бу жамоанинг миллий чемпионатимизда ҳам, Осиё чемпионлар лигасида ҳам зафар қучишига шубҳа қилмаганди. Лекин ҳатто жаҳон чемпиони ҳам "аламли" мағлубият аламини тотишга мажбур бўлди. Сколари ёки Ривалдони айблаб бўлмайди. Ахир, мураббий майдонга тушиб футболчилар билан бирга тўп тепа олмайди-ку. Ривалдони эса, ўзи тенги ҳамкасблари аллақачон чойхонада оёқ узатиб, ошхўрлик қилиб, кўк чойни симириб ётган бир пайтда, фарзанди тенги футболчиларни доғда қолдириб, дарвозаларни ишғол этаётганини фақат олқишлаш керак. Юртимизга хорижлик мутахассисларнинг келиши бизга юз фоизли ғалабани таъминлаб беради, дегани эмас. Имкон борида улардан ўрганиш, тажрибасидан фойдаланиб қолиш керак. Чунки Сколари ҳар қандай жамоага ҳам мураббийлик қилмаслигини барчамиз яхши биламиз.

Бир пайтлар Рауф Инилеев "Бўлганимиз шу", деганида барча футбол мухлисларию, мутахассислар ундан қаттиқ ранжишганди. Бугун эса, бу мураббийнинг ҳақ эканлигига иқрор бўлмай иложимиз йўқ. Чиндан ҳам бўлганимиз шу экан, ўтган ҳафтадаги мағлубиятларга муносиб эканмиз. Ғалаба нашидасини суришнинг фақат бир йўли бор. Яшил майдонга тўп тепаман, жон-жаҳдим билан югураман, деган ўйинчиларни туширсак кифоя. Қолганини мураббийларимиз эплашса керак.

**Ж.МУҲАММАДЁҚУБ**

***Ганс Христиан Андерсеннинг "Этик кийган мушук" эртагини ўқигансиз ёки эшитгансиз. Ёдингизда бўлса, эртак сўнгида мушук камбағал хўжайинини бой-бадавлат баронга айлантиради ва ўзи ҳам умрининг охиригача қасрда роҳат-фароғатда умр кечиради. Ганс бобо ўшанда эртагига нима учун айнан мушукни қаҳрамон қилиб олганини билмадигу, аммо бугун хориждаги айрим мушуклар чиндан ҳам "этик" кийишмоқда.***

# ЭТИК КИЙГАН МУШУК

АҚШнинг Коламбус шаҳри фуқароси Жонатан Жексон ўзининг бутун бойлигини мушукларига мерос қолдирди. У васиятида мушуклари учун махсус кароватлар билан жиҳозланган ётоқхона, ошхона, кутубхона(!), концерт зали ҳамда уларнинг сайр қилишлари учун боғ қуриб беришларини ёзиб қолдирган.

Британиялик яна бир киши уйи, хизматкорлари ва банкда сақланаётган катта миқдордаги пулини тўрт оёқли дўстларига мерос қолдирди. Маълумотларга кўра, ушбу бойлик билан Африка қитъасининг қашшоқ одамларини бир неча кун боқса бўлар экан. Буниси ҳали ҳолва. Шундай воқеалар ҳам бўлганки, эшитиб на куйишни биласиз ва на кулишни.

Кинопродюсер Рожер Доркас Максимилиан лақабли итига 65 млн. доллар мерос қолдирди. Рожер итига авваланоқ худди инсонларники каби паспорт тайёрлатиб қўйгани учун ҳам суд бу васиятни қонуний, деб ҳисоблади. Табиийки, бу васият бир центсиз қолиб кетган продюсернинг бевасига ёқмади. Ва у антиқа йўлини топди. Аёл итга турмушга чиқиб, жониворнинг ўлимидан сўнг барча бойликка эга бўлди.



Лекин дунёдаги итлар ичида энг бадавлати Гюнтер IV лақабли немис овчаркаси ҳисобланади. Қизиғи, бу бойлик унга хўжайинидан эмас, балки отасидан қолган. 1992 йили германиялик миллионер аёл графиня Карлотта фон Либенштайн Гюнтер III лақабли овчаркасига 139 млн. немис маркасини мерос қолдирди. Шундан сўнг бойликка итнинг ёлғиз кучукваччаси меросхўр бўлди. Ҳайратланарлиси, Гюнтер IV бугунги кунгача ўз пулларини 328 млн. долларга кўпайтирган. Тўрт оёқли мультимиллионер вакиллари билан 7,5 млн. долларга Мадоннанинг Флоридадаги вилласини сотиб олди. Айни пайтда, Гюнтер IV кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи "Гюнтер Групп" компаниясининг хўжайини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жониворнинг Италия, Германия ва Багам оролларида қатор кўчмас мулклари ҳамда виллалари мавжуд.

Бундай қизиқ мисоллар жуда кўп. Энни ва Пепе ле Пью лақабли эгизак мушукларга марҳума Луиза Томпсондан кўп пул ва кўчмас мулк қолди. Луиза мушукларига қараб туриш учун ҳали-ҳануз ижарада яшаб келаётган дугонасини васият қилди. Эндиликда марҳуманинг дугонаси ҳар куни эрталаб келиб ҳашаматли уйда яшаётган мушукларнинг ҳолидан хабар олиб, кеч тушганда ижара уйига қайтиб кетади.

АҚШнинг қатор меҳмонхоналари хўжайини Леона Хамсли севимли итига 12 млн. доллар ҳамда дунёдаги барча дайди итларга саккиз млн. долларлик жамғармани васият қилган бўлса, италиялик 80 ёшли бадавлат бева Модена шаҳрининг уч юзга яқин дайди итига 1,5 млн. евро мерос қолдирди.

Бугунги кунда дунёда катта бойликка эга бўлган нафақат мушуклар ва итлар, балки бошқа турдаги бадавлат жониворлар ҳам мавжуд. Масалан, Абердин Ангус лақабли буқа икки юз минг фунт стерлинглик, Чоки лақабли тўти ҳамда Катта Тоби лақабли тошбақа юз минг долларлик меросга эга.

Жониворларга мерос қолдирган кишилар орасида таниқлилари ҳам талайгина. Поп мусиқа қироли Майкл Жексон Бабблз лақабли маймунига икки млн. доллар қолдирган бўлса, яна бир афсонавий қўшиқчи Фредди Меркури мушукларига ҳашаматли уй, пуллар ва қимматбаҳо картиналарини(!) мерос қолдирди.

Ёзувчи Эрнст Хемингуэйнинг Ки-вест оролидаги уй-музейида 46 та мушук яшайди. Қизиғи, мушукларнинг айримларининг панжалари олтитадан. Бу турдаги мушукларни адибга етмиш йил аввал капитан Стэнли Декстер совға қилган ва жониворлар ҳали-ҳануз ёзувчининг шинам уйида умргузаронлик қилишмоқда.

Гувоҳи бўлганингиздек, тўрт оёқли жонзотларга асосан гуманизмни тарғиб қилувчи аксарият Европа давлатларида мерос қолдирилади ва қонуний расмийлаштирилади. Буни қандай изоҳлашга ҳам ҳайронсан, киши. Балки бу ғарб тараққиётининг ўзига хос кўринишидир, эҳтимол тўқликдан келиб чиқаётган шўхликдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, МДҲ давлатларида жониворларга, "Бобик"ка ёки "Мошвой"га мерос қолдириш мумкин эмас. Ҳатто юртимиз қонунчилиги ақли норасо ва руҳий хаста кишиларга қолдирилган меросни расмийлаштиришда ўша меросхўрни васийликка ёки оталиққа олган кишининг бўлиши шарт, деб ҳисоблайди. Назаримизда, энг тўғри йўл ҳам шу. Чунки жониворларга катта миқдорда мерос қолдираётганларни, қўпол қилиб айтганда, бир коса сувни чанқаб турган кишига эмас, балки унинг оёқлари остидаги қумга тўкаётган инсонга ўхшатиш мумкин.

* * *

Замбия бугун жаҳондаги энг камбағал мамлакатлардан ҳисобланади. Аҳолисининг 86 фоизи қашшоқликда кун кечиради. Бу ҳар саккизта одамдан еттитасининг қорни овқатга тўймайди дегани. Мамлакатдаги қашшоқлик туфайли ўн фоиз аҳоли СПИД касалига чалинган.

Бутунжаҳон банки иқтисодчиси Бранко Миланович олиб борган тадқиқотлардан маълум бўлдики, дунё аҳолисининг энг бой кишилари ҳисобланган бир фоиз одамлар қўлга кири-

## Дунё — кенг...

таётган даромад жаҳон аҳлининг 57 фоиз қашшоқлари кўраётган фойда билан тенг экан. Миланович тадқиқотида ёзади: "Энг бадавлат ҳисобланган АҚШлик 25 миллион кишининг даромади дунёдаги икки миллиард камбағалнинг даромадига тўғри келмоқда. Бугунги кундаги иқтисодий аҳвол башариятни ўйга толдириши лозим. Сўнгги ўн йилликда жаҳон бўйича 13 миллион болакай ошқозон-ичак касалидан вафот этган. Ҳар йили бир ярим миллиондан ортиқ ҳомиладор аёл кўз ёриш пайтида ҳаёт билан видолашмоқда. Саккиз юз миллиондан ортиқ кишининг қорни овқатга тўймайди. Ўтган асрнинг 90-йилларига нисбатан 54 мамлакат қашшоқлашиб бормоқда. 21 мамлакатда камбағалларнинг сони аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. 14 мамлакатда беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлими сезиларли даражада ошган".

Баҳрайнлик дипломат Рашид ал-Халифанинг айтишича, яқин ўн йил ичида дунё бўйича камбағаллар сони яна юз миллионга ошади ва деярли ярим миллиардга етади.

Яна бир иқтисодчи Жеймс Гэлбрейт шундай ёзади: "Техас университетида олиб борилган "Тенгсизлик" номли лойиҳа кўрсаткичларига эътибор берсак, дунё бўйича мамлакатлар ичидаги ва ўртасидаги тенгсизлик тобора ортиб бормоқда".

Дарҳақиқат, сайёрамизда тенгсизлик ўсмоқда. Чунки давлатлардаги ички ва ташқи тенгсизлик авж олмоқда. Айрим мамлакатлардаги бадавлат кишилар яна ҳам бойишаётган бўлса, қашшоқлар бунинг акси. Аксарият мамлакатларнинг бадавлат кишилари ўша юртнинг камбағаллари ҳисобига бойишмоқда. Бу факт. Зеро, ички ва ташқи урушлар, иш ташлашларнинг замирида ҳам тенгсизлик ётади.

Тенгсизлик ҳақида гап кетар экан, энг аввало, ҳашаматли кўчмас мулкларга эга бўлган мушуклар ёки итлар билан очликдан вафот этаётган болалар, аёллар, қарияларни солиштириш кифоя. Бугун Калкутта шаҳрининг ўзида 250000 болакай йўлакларда тонг оттирмоқда. Қизиқ: инсоннинг инсон билан — бойнинг қашшоқ билан иши йўқ. Бу ҳолни демократиянинг олий кўриниши сифатида қабул қилган жамиятлар бой берилган маънавий қадриятлари ўрнини жониворларга мана шундай антиқа меҳрибончилик кўрсатиш билан тўлдиришга уринмоқдалар. Бироқ бой берилган қадрни, инсоний меҳрни топмоқ ҳамиша даргумондир. Шунинг учун ҳам гўдаклар кўчада ялангоёқ, мушуклар эса "иссиққина этик"да.

**Жамшид МАТЁҚУБОВ**
*(Интернет материаллари асосида тайёрланди.)*

Тошкент шаҳар Чилонзор туман Савдо департаменти томонидан ЖШББ 021027 сонли Солихов Фахритдин Турсунбаевич номига берилган Чакана савдо ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный план дома БТИ на квартиру находящийся по адресу г.Ташкент Яккасарайский р-н, м-в Башлиқ дом-7, кв.105 выданной на имя Артыковой Дильфузы Акмальхановны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫЙ.**

* * *

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимлиги томонидан 24.03.2006 йилда Рустамов Абдулла Алишерович номига берилган №0802318 сонли Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома (патент) йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

"SHX-SANTS-ABAD" МЧЖ номига ЧОАХБ "ALP JAMOL" банк томонидан №0070976-000 сонли Чек дафтарчаси йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

ООО "BSB MAXIMUS-SPES" Хамзинского р-на г.Ташкента ИНН 206514275 сообщает о своем уменьшении Уставного фонда с 610 480 000 сум до 125 244 800 сум. Тел: 110-32-26, 448-06-42.

* * *

Утерянный план дома на квартиру расположенный по адресу г.Ташкент Учтепинский р-н, ул.Рахимбобоева, дом-54, кв.81 выданный Учтепинским БТИ на имя Касимова Тулкуна Каримовича **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Тошкент ш. Юнусобод тумани 302-ўрта мактаб томонидан 21.06.2003 йилда Мхчиян Каринэ Михайловна номига берилган O'R-B №0118328 сонли аттестат йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Тошкент вилояти Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан Юқори Чирчиқ тумани "Политотдел" (ҳозирги "Дўстлик") ж/х, Садовая кўчасидаги Юлдошев Айбек Кличбаевичга тегишли "Балиқ" дўконига 1995 йилда берилган №3476 сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан Анарметов Анваржон Икромович номига Шайхонтоҳур т. Чорсу буюм бозори ҳудудида жойлашган дўкон учун берилган ер кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

Утерянный гос.ордер №05-01/8348 от 09.03.93 Права собственности на квартиру а также план дома (БТИ) находяшийся г.Ташкент С.Рахимовский р-н Каракамиш 1/3 дом 60, кв.68 выданный на имя Барановская Анастасия Якубовна **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

ООО "ABADIAN" Шайхантахурского р-на г.Ташкент (ИНН 200933724, ОКОНХ 83100) сообщает о своем уменщении уставного фонда с 8 955 000 сум до 6 597 107 сума. Тел: 237-34-14.

* * *

Утерянный аппарат сотовой связи марки Моторола и персональный компьютер ноутбук марки "Satellite A 200 — IYW" 7 сентября 2009 года примерно в 20-00 часов в районе Северного Вокзала просим вернуть за вознаграждение тел: 261-56-68.

* * *

Утерянную круглую печать ЧП "Black style" Яккасарайского р-на **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

* * *

Адвокатская фирма "HAQIQAT HUQUQ" С.Рахимовского р-на ликвидируется ИНН 202971621 на основании письма №6557/12893-2902 от 24.09.09 управления юстиции г.Ташкента. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации по тел: 340-23-97.

* * *

Утерянный аттестат O'R-V 002565 выданный школой №233 СёРахимовского р-на в 1999 г. на имя Павловой Юлии Валерьевны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Тошкент кимё технология институти томонидан 29.07.1997 йилда Алимов Равшан Абидович номига берилган №117448 рақамли диплом йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

ООО "COLVIRE SERVICE" зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимиятом Юнусабадского р-на г.Ташкента (реестровый номер 004483-10 от 09.02.2009) расположенное по адресу: г.Ташкент Юнусабадский р-н, ул.Хуршид дом № 85-А (ИНН 301056474) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение собрания учредителя №2 от 06.10.2009). Претензии принимаются в течении 2-месяц опебликования указанного объявления. Тел: 343-09-31.

* * *

Утерянный круглый печат выданный на ЧП "Футорний Вячеслава Петровича" (ИНН 600397415) **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Утерянный план дома БТИ на квартиру находящийся по адресу г.Ташкент М.Улугбекский р-н, ул.Левитана, дом-16, кв-37 выданной на имя Паньшины Людмилы Николаевной **СЧИТАТЬ НЕДЕЙТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

Ташкентское городское общественное объеденение "ASSALOM QUYOSH" зарегистрированное городской истицией г.Ташкента расположенное по адресу Мирабадский р-н ул. Мавороуннахр д-31 **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (ИНН №204107324). На основании протокола собрания №1 от 7.10.2009. Претензии принимаются со дня опубликования в течении 2-х месяцев по тел: 749-26-13.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

*НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

*ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50* *Санъат бўлими: 236-56-48*

*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55* *Назм ва наср бўлими: 233-49-93*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4293. Буюртма Г — 948. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН